Nilufar BATIROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Senior lecturer of the department Islamic economics and finance, pilgrimage tourism
nilufarbatirova@iiua.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

ТЕНДЕНЦИЯ РАЗВИТИЯ ВЫСОКОТЕХНОЛОГИЧНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

TENDENCIES OF DEVELOPMENT OF THE HIGH TECHNOLOGY INDUSTRY IN THE TASHKENT REGION

Таянч сўзлар. *Инновацион иқтисодиёт, технологик харажат, ташкилий инновация, экспорт, машина ва асбоб ускуналар, юқори технологияли саноат тармоғи, технологик инновация, модернизация, фан-техника.*

Ключевые слова. *Инновационная экономика, технологические затраты, организационная инновация, экспорт, машины и оборудование, высокотехнологичная промышленность, технологические инновации, модернизация, наука и техника.*

Keywords. *Innovative economy, technological costs, organizational innovations, export, machinery and equipment, high-tech industry, technological innovations, modernization, science, and technology.*

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги босқичида, ривожланишнинг ядроси сифатида юқори технологияли ва инновацион саноат тармоқларини ўртага чиқиши, янги тадқиқот мавзусини юзага келтиради. Саноатни тармоғини инновацион ривожланиши ички ва ташқи бозорда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Сўнгги йилларда мамлакатда саноат ишлаб чиқариш даражаси ошди. Президент Ш.Мирзиёев томонидан таклиф этилган “2017-2021 йилларда давлат ва иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим бешта йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш стратегияси”ни қабул қилиниши саноат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтишини белгилаб берган асосий дастурлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, 2020 йилга “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилиши бу соҳани янада ривожланишига туртки бўлди.

Тадқиқотда қўлланилган методлар

Мақолани ёзиш жараёнида минтақада инновацион ривожланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таққосланди, шунингдек, очиқ статистика маълумотларини таҳлил қилиш асосида таклиф ва тавсиялар берилди. Умумий илмий-тадқиқот усуллари қўлланилди.

Илмий моҳияти

Саноат ишлаб чиқариши ва илм-фаннинг ўзаро интеграцияси натижаси бўлган илмий парклар, тадқиқот парклари, инкубаторлар, инновацион марказлар, техно-парклар, кластерлар инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг энг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда ушбу объектлар йирик-ҳудудий илмий-саноат мажмуасини ўзида акс эттириб, улар инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қамраб олган бўлади. Саноат ривожланишида инновациянинг ўрни ва аҳамиятининг хусусиятлари А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Р.И.Капелюшников, Л.Г.Симкина, А.В.Корицкий, Ю.А.Корчагин, И.В.Скоблякова сингари олимлар томонидан ўрганилган *(Dobrinin A.I., 1999:30)*.

Ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий изланишлари ҳам бу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, маҳаллий олимлардан Н.Қ.Йўлдошев *(Yo’ldoshev N., 2011:15)*, Э.Х.Махмудов, А.А.Ортиқов *(Maxmudov E., 2010:15)*, Х. Ишбутаев *(Elbekov O’., 2004:70)*, А.М.Содиқов *(Sodiqov A., 2006:14)*, А.М.Қодиров, Г.П. Ғуломова, А.Т. Аҳмедиева, Н.Р. Алимова *(Qodirov A., 2013:10)*, М.Маҳкамова *(Mahkamova M., 2004:2)*, Ш.Зайнутдинов *(Zaynutdinov SH., 2011:15)* ларнинг илмий ишларида саноат мажмуаси ва уни ривожлантириш масалалари ёритилган. Хусусан, Э.Х.Махмудов *(Maxmudov E., 11:5)* саноат мажмуасини ривожлантиришда қулай макроиқтисодий муҳитнинг зарурлиятини ёритиб берди. Бу йўналишда солиқ, пул кредит, нарх ва валюта сиёсатига алоҳида эътибор қаратиш лозимлилигини асослаб берди. М. Нарзиқулов *(Narzikulov M., 2012:8)* эса ўз ишларида саноатни ривожлантиришда таркибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу олимларнинг ишларида минтақада саноат корхоналарининг

Мақолада вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилувчи инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми таҳлил қилинган. Хусусан, саноат тармоғида юқори технологияли саноат маҳсулотлари ҳиссасининг камлиги ва бунинг сабаблари ўрганилган. Ушбу тармоқ маҳсулотларини умумий ҳажмда ҳиссасини ошириш учун маркетинг, технологик, ва ташкилий инновацияларга харажатлар йўналтириш жараёни таҳлил қилинган. Шунингдек, минтақада инновацион кластерларни яратиш ҳамда кичик саноат зоналар фаолиятини такомиллаштириш зарурияти таъкидланган. Инновацион харажатлар йўналиш таркиблари ҳам бирма-бир ёритилган. Инновацион харажатларнинг асосий қисми саноат тармоғига йўналтирилгани, аммо ушбу харажатларни катта қисми паст технологиялар тармоғига тўғри келиш ҳолати ўрганилган. Технологик харажатларни йўналишлари бирма-бир санаб ўтилган. Минтақада саноат тармоқларини ривожланиш хусусиятлари тадқиқ этилган.

В статье анализируется объем инновационной продукции и услуг, производимых промышленными предприятиями и организациями региона. В частности, подчеркивается низкая доля высокотехнологичной промышленной продукции в промышленном секторе и причины этого. Был проанализирован процесс направления затрат на маркетинговые, технологические и организационные инновации для увеличения общего вклада этих сетевых продуктов. Также была отмечена необходимость создания инновационных кластеров в регионе и улучшения функционирования в малых промышленных зон. В статье подчеркивается что основная часть затрат на инновации направляется в промышленный сектор, но учитывается тот факт, что большая часть этих затрат приходится на сектор высоких технологий. Направления технологических затрат перечислены один за другим. В заключении обобщены особенности промышленного развития региона.

The article analyzes the number of innovative products and services produced by industrial enterprises and organizations of the region. In particular, the low share of high-tech industrial products in the industrial sector and its reasons are emphasized. The process of directing the costs of marketing, technological, and organizational innovations was analyzed to increase the overall proportion of the products of this sector. Also, the importance of creating innovative clusters in the region and improving the performance of small industrial zones was noted. It was mentioned that most of the costs of innovation are directed to industry, but most of these costs are in the low-tech sector. Directions of technological costs are listed one by one. In conclusion, the features of the industrial development of the region are summarized.

рақобатбардошлиги ўз-ўзидан бўлмаслиги, бу ҳолат вилоятда яратилган янги технологиялар ва дастурий воситаларни яратилиши, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатларни мақсадли йўналтирилишига боғлиқлиги қайд этилган. Ушбу ҳолатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатчилардан ўтиб кетиш имкониятини яратиш учун технологик ўсиш шароитида асосий харажат илм-фан, технологияларни харид қилиш, малакали кадрларни тайёрлаш ва моддий техник базани модернизациялашга йўналтирилишидан иборат дейилган.

Мазкур изланишнинг илмий моҳияти, юқорида келтирилган тадқиқотларга асосланган холда Тошкент вилояти саноатида юқори технологик саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарурий тадбирлар мажмуини аниқлаш ва бу борада эришилган натижаларни ёритилиши мақсад қилиб қўйилган.

Асосий қисм

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент вилоятида Саноат тармоқларини самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган 2017-2021 йиллардаги стратегик ривожлантириш дастурида асосий эътибор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган. Ушбу инвестициялар энергетика, нефт-газ кимё, кимё, тўқимачилик, енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик, автомобилсозлик, фармацевтика, қурилиш материаллари саноат тармоқларида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда ушбу тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган. Ушбу инвестициялар минтақада энергетика салоҳиятини янада ривожлантириб, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган. Кимё саноат тармоғида ишлаб чиқариш ва техник базанинг юқорилиги, рақобат устунлиги, ушбу соҳани жадал ривожлантириш, модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради *(Batirova N., 2018:51)*. Шунингдек, тўқимачилик, енгил саноат, машинасозлик саноатида модернизация ишларини амалга оширилиши, вертикал интеграциялашган янги замонавий мажмуаларни қурилиши ҳам ушбу соҳада қайта ишлаш ҳажмини ошириш имконини беради. Саноатда эскирган асбоб-ускуна ва технологиялардан фойдаланилган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот бирлиги таркибида моддий ва меҳнат ресурслари сарфи миқдорини камайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва бозор нархи бўйича

рақобатбардошлигини таъминлашга эришиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Саноат тараққиётининг истиқболдаги стратегик мақсади бу узлуксиз модернизация қилиш ва корхоналарни технологик қайта қуроллантириш, инновацияни жорий этиш асосида қайта ишлаш саноатини устувор ривожлантириш ва янги юқори технологик маҳсулотлар яратиш ҳисобланади. Минтақа саноатини инновацион ривожлантириш жараёнида, инновацияларни ўз даражалари бўйича тўғри ажратиш, яъни асосий, такомиллаштирилган ва сохта инновацияларга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Асосий (туб) инновациялар – бу янги авлодларни шакллантириш учун асос бўлган ва муҳандислик ва технологиянинг мутлақо янги йўналишлари бўлган саноат учун мутлақо янги маҳсулотлар ва технологиялардир. Инновацияларни такомиллаштириш – аллақачон маълум бўлган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш технологиясини ва техник хусусиятларини яхшилайдиган ўрта ва кичик ихтиролардир. Сохта инновациялар эса – бу фақат амалга оширувчи ташкилот учун янги бўлган ишлаб чиқариш циклини такомиллаштириш йўлларидир.

Вилоят юксак технологик, замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш ҳисобига минтақада иқтисодий самарадорликни оширишга интилмоқда. Бундай шароитда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг энг муҳим вазифалардан бири маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Бу йўналишда минтақа саноатини инновацион ривожлантиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади . Бу йўналишда минтақа саноатини инновацион ривожлантиришнинг муҳим шаклларидан бўлган технопарклар, кичик саноат зоналари, эркин иқтисодий ҳудудлар ва инновацион кластерларини ташкил этиш асосий масалалардан биридир. Ушбу шаклларни яратиш жараёнида технологик инновацияларга йўналтирилган харажатлар алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, технологик инновацион харажатлар манбаларини асосий қисми давлат бюджети ҳисобига амалга ошиши, ушбу йўналишда давлат бошқарувининг инновацион соҳани ривожлантиришга алоҳида эътиборини акс эттиради. Канадада технологик инновацияларга қилинадиган харажатларнинг 70,8%и давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади. Нидерландияда бу кўрсаткич 42,6%ни, Финляндияда 24,5%ни, Японияда 24,5%ни, Германияда эса 21%ни, Россияда 23,6%ни ташкил этади *(Mityakov S., 2017:102)*. Ўзбекистонда технологик инновацияга 2018 йилда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бор йўғи 0,02%ни ташкил этди. Вилоятда эса бюджет маблағлари ҳисобидан бу йўналишга харажатлар умуман йўналтирилмаган.

Умуман олганда, ҳудуддаги саноат корхоналарининг технологик инновацияларига сарфланадиган харажатлар таркиби инновацион фаолият турлари бўйича маълум номутаносибликларни кўрсатмоқда. Европанинг кўпгина етакчи мамлакатларида тадқиқот ва ишланмаларга сарфланадиган харажатлар машина ва ускуналарни сотиб олиш харажатларидан ошади, бу эса инновацион маҳсулотларнинг юқори даражадаги рақобатбардошлигини таъминлайди. Шундай қилиб, Германияда ушбу харажатлар мос равишда технологик инновацияларнинг 46,9 ва 23,5%ни, Швецияда - 53 ва 10%ни, Белгияда - 50,1 ва 23.9% ни, Испанияда - 55 ва 18,9%ни, Францияда - 55,8 ва 15%ни, Австрияда - 68,6 ва 18,1%ни, Буюк Британияда мос равишда - 50.1 ва 23.9%ни, Россияда 30 ва 34,5%ни ташкил этади *(Mityakov S., 2017:47)*. Тошкент вилоятида эса технологик инновацияларни 76%и машина ва ускуналарни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Инновация самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи «Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотларнинг улуши» дир. Ушбу кўрсаткичнинг мамлакатда 8,76%ни, вилоятда эса 7,14% ни ташкил этади. Таққослаш учун, Буюк Британияда бажарилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши 20,8%, Германияда - 13,3%, Испанияда - 15,9%, Голландияда - 10,8%, Швейцарияда - 19,5%, Белгияда - 7,6%, Францияда - 15%, Швецияда - 6,9%, Россияда-8,4%ни ташкил этади *(Mityakov S., 2017:97)*. Юқоридаги кўрсаткичлар, биринчи ўринда минтақадаги саноат корхоналарининг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар тўғрисида маълумот олишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Вилоятдаги инновацияларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар қаторига қуйидагилар киради: маблағларнинг етишмаслиги, инновацияларнинг юқори нархи, давлат ёрдамининг етишмаслигидир *(Gulyamova G., 2019:38)*. Минтақанинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи инновацияларнинг энг муҳим натижалари сифатида товарлар, ишлар, хизматлар сифатининг яхшиланиши, товарлар, ишлар, хизматлар турлари, маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришдир. Шунингдек, инновацияларни рағбатлантирувчи ахборот манбалари корхоналар учун муҳимлигини таҳлил қилишдир. Статистикага кўра, Интернет манбалари ва истеъмолчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар -

илмий мақолалар, кўргазмалар ва бошқалар маълумот манбалари орасида устунлик қилади, аммо академик, тармоқ илмий ташкилотлари, университетларнинг ахборотлари эса кучсиз манба сифатида баҳоланади *(Batirova N., 2018:159)*. Бу эса инновацион алоқа ҳозирги вақтда минтақавий инновацион тизимнинг энг заиф бўғини эканлигидан далолат беради.

1-жадвал

Минтақада инновацион фаолиятга баҳо бериш индикаторлар чегараси (Давлат статистика маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоби)

№	Индикаторнинг номланиши	Методик аниқлик	Чегара	Вилоят кўрсаткичи	Республика кўрсаткичи
				2018 йил	
1	Минтақанинг саноат корхоналарини асосий воситаларини эскириш даражаси, %	Ишлаб чиқариш соҳасини хавфсизлик даражасини белгилайди	<40	35,4	38,3
2	Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига корхоналарнинг ўз маблағларини йўналтирилиши, ЯҲМга нисбатан %да	Инновацион фаолиятнинг бошланғич босқичини акс эттиради	>2,2	0,14	0,17
3	Технологик инновацияга қилинган харажатларнинг интенсивлиги, %	Технологик инновацияни қилинган харажатларни ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбати	>2	2,75	0,86
4	Саноатда инновацион маҳсулотлар ҳиссаси	Инновацион фаолиятнинг натижавийлигини кўрсатувчи асосий кўрсаткич	>10	4,93	8,77
5	Технологик иннова-ция таркибида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларга ҳаражатлар ҳиссаси	Технологик инновациядаги инвестициялар сифатини кўрсатади	>40	10,8	7,4
6	ИТТКИларига қилинган харажатларнинг ЯИМ га нисбати	Илм фан ривожланишга эътибор даражасини кўрсатади	=3	0,14	0,16

Юқоридаги жадвал кўрсаткичлари минтақанинг инновацион фаоллилик нуқтаи назаридан паст кўрсаткичга эгалигини кўрсатади. Бу эса минтақа саноатини инновацион ривожланиш шаклларини ташкил этиш имкониятини пасайтиради. Аммо бой табиий ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳияти минтақада саноат тармоғини тез суръатларда ривожлантириш имконини беради. Шу сабабли, аввало, юқори унумдорлик кўрсаткичига эга бўлган техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари экспорти билан чиқиш имконини берувчи саноат кластерларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўз-ўзидан маҳаллий бошқарув органларини инновацияни молиялаштиришда паст инновацион фаоллиги эътиборни тортмоқда. Бундай ҳолат кўпгина минтақалар каби, вилоятни ҳам дотацион ҳудудлигига далолат қилади. Бундай бюджетни- ривожлантирувчи бюджет деб номлаб бўлмайди. Шу сабабли, технологик инновацияларни асосий қисми асбоб ускуналарни сотиб олишга йўналтирилганлиги ажабланарли эмас. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатчилардан ўтиб кетиш имкониятини яратиш учун технологик ўсиш шароитида асосий харажат илм-фан, технологияларни харид қилиш, малакали кадрларни тайёрлаш ва моддий техник базани модернизациялашга йўналтирилиши лозим. Юқоридаги жадвалда ЯҲМга, нисбатан, технологик харажатларнинг паст ҳиссани ташкил этиши, асосий воситалар эскиришининг

юқори фоизлиги, малакали ишчиларнинг дефицити саноатни инновацион фаолиятини амалга ошириш йўлида тормозланишга сабаб бўлмоқда.

Агар минтақа саноатини инновацион ривожлантиришнинг бир сабаби молиявий сабаб бўлса, иккинчи сабаби ишлаб чиқариш сабабларидир. Бу сабаб молиявий сабабдан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари асосий воситаларини юқори даражада эскиришидир. Асосий воситаларнинг янгиланиш имкониятининг пастлиги уларнинг қийматини юқори даражасидир. Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятини ошириш учун, аввало, асбоб-ускуналарни тез-тез замонавий ускуналарга алмаштириш лозим. Ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан фойдаланмасдан инновацион тараққиётни амалга ошириш қийиндир. Инсон капитали ҳам янги маҳсулотларни яратувчисидир. Замонавий иқтисодиётда малакали кадрлар дефицити кузатилмоқда. Инсон капиталини доимий равишда тараққиёти ва рағбатлантирилиши корхона келажагига ижобий таъсир кўрсатади *(Batirova N., 2019:40)*.

Натижалар

Минтақа саноатини ривожлантиришда инновациянинг ўрни беқиёсдир. Инновацион харажатларни умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳиссаси жуда паст кўрсаткични ташкил этмоқда. Инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналар кам миқдорни ташкил этмоқда.

Бунинг сабаби сифатида қуйидагилар аниқланди:

– молиявий ресурсларни етишмаслиги;

– инновацияларни ўз ўзини қоплаш муддатларини узоқлиги;

– юқори даражадаги риск;

– малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;

– инновацион инфраструктуранинг ривожланмаганлиги;

– инновацион салоҳиятни етарли эмаслиги.

Халқаро амалиётни кўрсатишича юқори технологик тармоққа йўналтирилган инвестицияни ўсиш даражаси ЯҲМни ўсиш даражасидан юқори бўлиши интенсив илмий-техник ривожланишни амалга ошишининг асосий шартидир. Яъни ЯҲМни ўсиш темпидан инвестицияни ўсиш темпи юқори бўлиши базис инновацияга молиявий қўллаб қувватлашни йўналтириш заруриятини талаб этади. Молиявий қўллаб қувватлаш натижаси инновацион диверсификацияни ривожланишига олиб келади. Инновацион диверсификациянинг натижаси сифатида тармоқ кластерларини ташкил этилишини кўриш мумкин.

Иқтисодиётни ривожланиши ва экспорт салоҳиятини диверсификациялашнинг муҳим назарий ва амалий жиҳати бўлиб унинг инновацион ривожланиши билан ўзаро алоқаси ҳисобланади. Ўтган юз йилликнинг бошланишида жаҳон иқтисодиётининг етакчи давлатларида иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделини шаклланиш жараёни ниҳоясига етган эди. Бундай моделнинг асосий моҳияти шундаки, инновацион фаолият рақобатбардошлик ўсишининг асосий омилига айланади. Бу эса минтақаларда инновацион кластерларни яратиш масаласи долзарблигини кўрсатади. Аммо инновация ҳамма мамлакатларда ҳам иқтисодий ривожланишнинг драйвери вазифасини ўтамайди. Иқтисодиётнинг техник томондан қолоқ тармоқлари бирданига янги технологияларни истеъмолчиси бўлиши қийиндир.

Хулоса шуки, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига йўналтирилаётган харажатлар (ЯИМга нисбатан) кам ҳиссани ташкил этади. Жами саноат ишлаб чиқаришида юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳиссаси пастлигича қолмоқда. Илмий тадқиқот ишланмаларига ажратиладиган харажатларни давлат томонидан қўллаб қувватланишига қарамасдан ушбу ҳолат корхоналарнинг инновацион фаоллигини ўсишига етарли даражада хизмат қилгани йўқ. Корхоналар даражасида инновацияларни бошқаришни ташкил этишда тузилмавий муаммоларни мавжудлиги бунга асосий сабаблардан биридир. Агар юқори технологиялар тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 17-20%ни ҳамда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларга харажатлар ЯҲМга нисбатан камида 2,4%ни ташкил этсагина инновацион ривожланишга эришиш мумкин.

Хулоса шуки, вилоятда илм-талаб саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш лозим. Бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этади:

– илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технологик ишларни молиялаштириш, инфраструктура субъектлари фаолиятини молиялаштириш;

– минтақавий устувор лойиҳалар рўйхатидаги маҳсулотларни сотиб олиш учун давлат буюртмасини амалга ошириш;

– устувор лойиҳалар ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун субсидияларни тадбиқ этиш, инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектларга ҳамда ишлаб чиқариш инновацион инфраструктура субъектларига солиқ, бож, йиғим ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

– инновацион фаолиятни амалга оширувчи компаниялар ва ишлаб чиқариш инновацион инфраструктура субъектлари мажбуриятлари бўйича кредиторлар олдида кафил бўлиш;

– минтақа саноатини ривожлантиришга ёрдам берувчи турли марказларни ташкил этиш.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Batirova, N. (2018). The innovative development of the industry in tashkent region. The light of islam, 2018(4), 51-57.
2. Batirova, N. S. (2018). Features of the development of the tashkent region in an innovative economy. European journal of humanities and social sciences, (6), 159-162.
3. Batirova, N. (2019). Features of industrial development of the tashkent region. The light of islam, 2019(4), 40.
4. Batirova, N. S. (2019). Theoretical aspects of the innovative development of the region. In science and education: problems and innovations (pp. 120-124).
5. Batirova, N. S., & Tohirov, S. (2019). Importance of foreign economic relations in innovative development of the region's industry. In european research (pp. 145-149).
6. Gulyamova phd, G. (2019). Features of formation of the concept of the national innovation system. The light of islam, 2019(4), 38.
7. Gulyamova G.P. Razvitiye innovasionnogo predprinimatelstva. Zbiór artykułów naukowych recenzowanych., 161.
8. Dobrinin A.I. CHelovecheskiy kapital v tranzitivnoy ekonomike: formirovaniye, otsenka, effektivnost ispolzovaniya / A.I. Dobrinin,S.A. Dyatlov, Ye.D. TSirenova. – CPb.: Nauka, 1999. 309 s.
9. Zaynutdinov SH.N. Innovatsion salohiyatni oshirish strategiyasi//Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. №1, sentyabr 2011.
10. Yo'ldoshev N.Q., Mirsaidova SH.A., Goldman Y.D. Innovatsion menedjment-T.: TDIU. Darslik 2011. 286 bet.
11. Maxmudov E.X., Ortiqov A., Karimov F. Korxona iqtisodiyotning asosiy bo'g'ini./Hamkor. 2010 yil 7 fevral
12. Mahkamova M.A. Formirovanie organizatsionno-ekonomicheskogo mexanizma upravleniya innovatsionnoy deyatelnostyu na promishlennix predpriyatiyax respubliki Uzbekistan. Tashkent 2004.
13. Maxmudov E.X., Ortiqov A., Karimov F. Korxona iqtisodiyotning asosiy bo'g'ini./Hamkor. 2010 yil 7 fevral
14. Mityakov S.N. i drugie. Innovatsionnoe razvitie regionov Rossii: metodika reytingovaniya. Jurnal innovatsiya. №9 (227) 2017. Str. 97-104.
15. Sodiqov A.M. O'zbekiston mintaqalarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiva uni tartibga solish mexanizmlari. Toshkent-2006 yil.
16. Strategiya dalneyshego povisheniya konkurentosposobnosti natsionalnoy ekonomiki: material 1-go Foruma ekonomistov/otv.red. M.P.Narzikulov. Tashkent. 2012. S. 8.
17. CN.Mityakov. Innovatsionnoe razvitie regionov Rossii: otraslevoy razrez. №2 (232), 2018. Str. 47-58.
18. Elbekov O'.N., Ishbetaev X.M., Islomova R.A. O'zbekiston Respublikasida tadbirkorlik faoliyatini tashkil etishni takomillashtirish mexanizmi. Konchilik xabarnomasi ilmiy-texnik va ishlab chiqarish jurnali №16. 2004 yil. 113 bet.
19. Qodirov A.M., G'ulomova G.P., Ahmedieva A.T., Alimova N.R. Milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish. Monografiya.-T.: "Iqtisodiyot", 2013. 436 b.
20. 2018 yilda O'zbekiston Respublikasining ilmiy-texnikaviy salohiyati va innovatsiyalar rivojlanishining asosiy ko'rsatkichlari" statistik byulleteni. Davlat statistika qo'mitasi, Ta'lim, sog'liqni saqlash, fan va innovatsiya sohalarida statistik kuzatuvlar bo'limi. № 15-12. 25.05.2018. 339 b.